

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА  
ҚЎМИТАСИ**

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

**“Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг  
статистик таҳлилни такомиллаштиришнинг назарий ва  
услубий жиҳатлари”**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**Тошкент 27 май 2022 й.**



**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**“Теоретические и методологические аспекты  
совершенствования статистического анализа развития  
цифровой экономики”**

**СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ**

**Ташкент 2022 г.**

<i>Soatov S. Ismatova M.Sh.</i>	Tashqi savdo statistikasi ma'lumotlarini to'g'ri va haqqoniy yuritilishida «ko'zgu statistikasi» raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning omili sifatida	<b>302</b>
<i>Toшалыева С.Т.</i>	Кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш хажмини баҳолашда динамик эконометрик моделлардан фойдаланиш	<b>307</b>
<i>Тула Н.Б.</i>	Использование цифровых технологий для совершенствования методологии переписи населения	<b>311</b>
<i>Yalgasheva Sh. U.</i>	Ijtimoiy soxada raqamli texnologiyalarni joriy qilish	<b>313</b>
<i>Алимов У.И.</i>	Рақамли иқтисодийотни ривожлантиришда ҳудудий меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари	<b>315</b>
<i>Эргашев Қ.Э.</i>	Рақамли божхона хизматини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	<b>319</b>
<i>Eshmatov Sh.</i>	Statistical assessment of the process of optimizing the tax burden in the digital economy	<b>321</b>
<i>Abdulkarimov Kh. Gofurova S. S.</i>	Individual work with the use of communication technologies in independent pedagogical education	<b>322</b>
<i>Абдуллаев М.</i>	Рақамли иқтисодийот шароитида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари	<b>326</b>
<i>Akbarova M.R.</i>	O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlanishining statistik taxlili	<b>328</b>
<i>Kholmurodov D.I.</i>	Best practices of digital statistical methods for assessing the volume of the hidden economy in foreign countries	<b>330</b>
<i>Shadmankulov A.A.</i>	Eksportni rag'batlantirishga integratsion jarayonlarning ta'siri	<b>332</b>
<i>Шукурова Р.У. Абдуллаева З.У.</i>	Таълим тизимини рақамлаштиришнинг асосий хусусиятлари	<b>336</b>
<i>Абдусаломова И.И.</i>	Рақамли иқтисодийотни ривожлантиришда статистиканинг тутган ўрни	<b>339</b>
<i>Asadova Sh. Smagina O.</i>	Changing role of human resource management in the digital economy	<b>343</b>
<i>Дуснаев Ш.Э.</i>	Рақамли иқтисодийот шароитида Ўзбекистон Республикасида демографик хавфсизликни таъминлаш	<b>345</b>
<i>Нурхонов Н.Қ.</i>	Рақамли иқтисодийот шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий-статистик таҳлили	<b>350</b>
<i>Абидов А. А. Мирзаахмедов Д.</i>	Интернетнинг салбий контентларидан ижтимоий ҳимоя	<b>354</b>
<i>Алланазарова Н.Б.</i>	Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг ҳозирги ҳолати	<b>358</b>
<i>Xolov A.X. Khodjamov N. Mamarasulov S. Radjabboyev M.</i>	Artificial intelligence in effective governance system	<b>360</b>
<i>Irismatov H.F.</i>	Observations on estimating the size of the shadow economy based on macroeconomic indicators using digital statistical methods	<b>365</b>
<i>Isakova N.I.</i>	Long-term scenario based on scenarios for the effective use of investments in the digital economy	<b>367</b>
<i>Махсудова М.М.</i>	Рақамли иқтисодийот шароитида саноат корхоналарни инновацион бошқарувидаги муаммоларни бартараф этиш	<b>369</b>

таълим муассасаларининг вақт ичида қандай ривожланишини ва уларнинг қандай таъсир қилишини тушуниш муҳимдир.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СТАТИСТИКАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

*Абдусаломова И.И.*

*Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти  
таянч докторанти*

Маълумки, мамлакат миллий иқтисодиётини самарали бошқариш тизимида давлат статистикаси муҳим ўринни эгаллайди. У жамиятда бўлаётган оммавий ходисаларни ўрганади, улар ўртасидаги мураккаб бўлган ўзаро боғланишларни аниқлайди ва мамлакатнинг иқтисодиётига илмий асосланган баҳоларни бериб боради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори статистика соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, унга халқаро стандартлар ва илғор жаҳон тажрибаси кенг тадбиқ этилмоқда. Натижада, бундай ислоҳотлар замирида статистика идоралари мамлакатимизнинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларини замонавий усулларда аниқлик, шаффофлик ва ошкоралик тамойиллари асосида шакллантириши кўзда тутилган.

Ташкилотларни АКТ асосида бошқарувини йўлга қўйиш, бошқарув технологияларидаги технологик тараққиёт бўлиб, улар ахборотларни тезкор қайта ишлаш бўйича шахсий компьютерларнинг функционал имкониятлари, деярли чексиз ҳажмдаги ахборотларни хотирада сақлаш, аниқ бошқарув технологияларини амалга ошириш учун керак бўлган билимлардан кенг фойдаланишга асосланади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида рақобатдагилар бошқарув ёки ишлаб чиқариш жараёнларида технологик тараққиёт ютуқларидан кенг фойдаланаётган бўлса улар ривожланаверади, ундан ортда қолаётганлар эса инқирозга учраши аниқ.

Ҳозирги вақтда ахборот тизими тушунчаси шунчалик ноаниқки, ахборот тизимида жараённи автоматлаштиришга ёрдам берадиган компьютер дастуридан тортиб компания ходимларининг жараёнларни ташкил этишдаги ҳаракатларини тартибга солувчи белгиланган қоидалар ва процедуралар тўпламигача ҳар қандай тушунчани аниқлаш мумкин.

Корхонани бошқаришнинг “идеал” ахборот тизими корхона фаолиятининг ҳаммасини ёки ҳеч бўлмаганда кўп қисмини автоматлаштириши керак. Бундан ташқари, автоматлаштириш учун емас, балки бунинг учун харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ва корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига реал самара бериши керак.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот техноло-

гиялари чуқур кириб бормоқда. Юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлсада, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Замонавий АКТ ва АТларини қўллаш соҳаси кенг, яъни ҳужжатларни шакллантириш ва хизмат юзасидан ёзишувларни ташкил этишдан бошлаб то тизимли таҳлил, бошқарув қарорларининг қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш, мураккаб корпоратив тизимларни лойиҳалаштиришни автоматлаштиришгача бўлган турларини қамраб олади. Ахборот тизими - бу керакли одамларни ўз вақтида тўғри маълумот билан таъминлаш учун мўлжалланган техник, дастурий таъминот ва ташкилий ёрдам, шунингдек ходимларнинг комбинацияси.

Ярим аср давомида дастурий таъминот фақат энг оддий мантиқий ва арифметик операцияларни бажаришга қодир бўлган дастурлардан корхоналарни бошқаришнинг мураккаб тизимларигача бўлган улкан ўзгаришларни бошдан кечирди. Дастурий таъминотда ҳар доим ривожланишнинг иккита асосий йўналишини ажратиш мумкин бўлган:

- ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш

Давлат статистика органлари фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, амин бўлдикки, яқин вақтларгача улар иқтисодийни бошқаришнинг режалимаъмурий тизими шароитида фаолият кўрсатиб, асосан директив режаларни бажаришган ва тезкор назоратни амалга оширишган, бу эса статистик ахборотларнинг ҳажми, таркиби ва сифатига жиддий таъсир қилган. Статистик ҳисоботлар шакллари ва улардаги кўрсаткичлар сони узлуксиз ортиб бориши статистик кузатувларни ташкил қилишда экстенсив усуллар кучайишига олиб келиб, бошқа фойдаланувчилар манфаатлари эътиборга олинмаган. Шу сабабли ҳам бугунги кунда давлат статистика ишларини ташкил қилишда статистик кузатувларни амалга ошириш, улар асосида олинган маълумотларни замонавий усуллар орқали таҳлил қилиш ва тақдим этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий таҳлил математик статистика усуллари ва динамика қаторларидан кенг фойдаланишга асосланади. Статистик масалаларни ушбу усуллар билан ечишда АКТдан кенг фойдаланилади. Унда амалий дастурлар пакетлари муҳим ўрин тутиб, одатда, улар бир ёки бир нечта таҳлил усуллари ечишга йўналтирилган бўлади.

Ҳозирги кунга келиб, Давлат статистика қўмитасининг барча туман ва шаҳар бўлимлари планшет қурилмалари билан таъминланди. Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда уй хўжаликлари танланма кузатувларини планшетларда ўтказиш учун 135 та планшет қурилмалари ажратилди ва кузатувларга жорий этилди. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, қўмита томонидан бугунги кунда товар ва хизматлар нархларининг танланма кузатувларига планшетларнинг жорий этилиши натижасида 14 мингдан ортиқ савдо нуқталари планшетлар ёрдамида ўрганилмоқда. Бу эса юқори тезликда маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали истеъмол

нархлари индексини ҳисоблаш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш имкониятини бермоқда.

Ахборот коммуникация технологияларини Давлат статистика қўмитасида қўллашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– замонавий АКТ, автоматлаштирилган тизимлар ва янги методикаларни қўллаш асосида статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этишга кетадиган харажатларни қисқартириш;

– давлат органлари ўртасида ахборотлар алмашуви жараёнларига кенг қўламда кириб боришни амалга ошириш ва келажакда электрон ҳукумат тамойилларига тўлиқ ўтиш;

– давлат бошқарув органлари томонидан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун керак бўлган статистик ахборотларга бўлган талабларни максимал қондириш;

– тизим доирасида ягона электрон ахборотлар маконини яратиш.

Статистик кузатувларни ўтказиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш орқали уларнинг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш имконияти яратилмоқда ҳамда кузатувларни ўтказишга сарфланадиган қоғоз сарфини 100 фоизга қисқартириш ҳисобига йилига ўртача 60 млн.сўм иқтисод қилинишига, кузатувлар маълумотларини тўплаш вақтини 2 баробарга ва маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш муддатини 5-10 баробарга қисқаришига эришилди.

Статистик кузатувлар ялпи ва танланма бўлиши мумкин, шунингдек статистика дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Ялпи статистик кузатувлар белгиланган тартибда тасдиқланган давлат статистика ҳисоботи шакли асосида, респондентларнинг фаолият тури, ташкилий ҳуқуқий шакли, мулкчилик шакли, маъмурий ҳудудий жойлашуви, корхонанинг тури ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда статистика органлари томонидан шакллантирилган респондентлар рўйхатига мувофиқ ўтказилади. Одатда, давлат статистика ҳисоботлари ойлик, чораклик ва йиллик бўлиши мумкин. Бундан ташқари, улар мавсумий кўринишда ҳам бўлади.

Қуйидаги жадвалда охириги йилларда статистика тизимида ўтказиб келинаётган статистик кузатувларнинг динамикаси келтирилган.

Давлат статистик тизимида олиб борилаётган статистик кузатувлар динамикаси

№	Кузатувлар номи, даврийлиги ва турлари	2016 й.	2017 й.	2018й.	2019 й.	2020й.	2021 й.
	Жами	148	150	146	150	154	156
1	Ойлик	11	11	10	11	10	10
2	Чораклик	16	16	17	17	17	16
3	Йиллик	91	94	86	88	88	90
4	Даврий (мавсумий)	9	7	7	6	7	7
5	Танланма	21	22	26	28	32	33

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари

Ундан кўришиб турибдики, статистик кузатувлар сони 2016 йили 148 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 156 тани ташкил қилмоқда, яъни уларнинг сони жудаям ошиб кетгани йўқ. Бунинг асосий сабаби, айрим статистик куза-тувлар амалиётдан чиқарилса, айрим янгилари эса амалиётга жорий қилинади. Лекин, танланма статистик кузатулар эса 2016 йилда 21 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 33 тани ташкил қилмоқда, яъни 57 % га ортмоқда.

Танланма статистик кузатувлар расмий статистикани ишлаб чиқарувчилар томонидан тасдиқланган статистик шакллари асосида, алоҳида икти-содий фаолият турлари ва уй хўжалиги бўйича тасодифий танлов усули билан шакллантирилган статистик бирликлар рўйхатига мувофиқ ўтказилади.

Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси томонидан тадбиркорлар учун белгиланган рўйхат бўйича субъектларда ихтиёрий кузатув анкеталари тўлдирилиб, кейинги чоракнинг 2-санасигача маҳаллий статистика бўлимларига электрон шаклда тақдим этилади. Кузатувлар тадбиркорлик субъектининг фаолият турига кўра тўлдириладиган махсус сўровномалар орқали ўтказилади. Масалан, “1-КВ kuzatuv” сўровномасини иш ва хизматлар сотишдан тушумга эга бўлган кичик корхона ва микрофирмалар тўлдиради. Унда корхонанинг иктисодий аҳволи, молиявий ҳолати, ишчилар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлар қайд этилади.

Хулоса сифатида айтиш керакки, статистика фаолиятида рақамли технологияларини кенг жорий қилиш ва улар асосида шаффоф, тезкор ва объектив бирламчи статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш масалаларида АКТ дан кенг фойдаланиш тадбиркорлар билан иш жараёнини масофавий тарзда ҳисоботларни қабул қилиш имконини беради. Бинобарин, статистик кузатувлар шакллари ва уларни тақдим этиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш давлат статистика органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда статистик ҳисоботлар тизими сезиларли даражада соддалаштирилиб, уларни тақдим этиш муддатлари мақбуллаштирилмоқда.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 24 январь.

2. Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иктисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2004

3. Одилов Ш.Ф. Статистика фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш истиқболлари // «Макроиктисодий барқарор ўсишни таъминлашда статистик усуллар ва ахборотлар ролини кучайтириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами. Тошкент – 2020 йил 22 май. 194-199 бетлар.